

Имконияти чекланганлар учун хайрия тадбири ўтказилди



14:09 / 03.12.2018 2782

Жорий йилнинг 3 декабрь куни пойтахтимиздаги “Кўҳинур” тўйхонасида “Халқаро ногиронлар куни” муносабати билан “Мурувват куни” хайрия тадбири ташкил этилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Муслмонлар диний идораси ва “Ҳилол-нашр” нашриёт-матбаа корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Хайрия тадбирига 300 нафар кўзи ожиз ҳамда эшитиш ва гапириш имконияти чекланган шахслар таклиф этилди. Унда шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон муслмонлари идораси, Ўзбекистон кар-соқовлар жамияти, Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти раҳбар ходимлари ҳам иштирок этишди.

Ҳар йили 3 декабрь санасида бутун дунёда ногиронлиги бўлган шахслар куни нишонланиб келинади. Асосий мақсад бутун дунёда амалга ошириладиган дастур ва лойиҳаларда ногиронлар бошқа ногирон бўлмаган кишилар билан тенг ҳуқуқлилик асосида иштирок этишини, ногиронларнинг манфаатлари, ҳуқуқлари инobatга олинишини, барча

мамлакатларда ногиронларнинг қадр-қимматини ҳимояловчи қонунлар ва тартиб-таомилларнинг жорий этилишини таъминлаб, барча учун очиқ ва дўстона бўлган жамият қуришдан иборатдир.

Тадбир давомида Ўзбекистонда ҳам ногиронлиги бўлган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси эканликларини кўрсатиш мақсадида турли тадбир ва ислохотлар амалга оширилаётгани, буни Ўзбекистон Президенти томонидан **“Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги фармоннинг имзолангани мисолида ҳам кўриш мумкинлиги таъкидланди.

Ушбу фармонда авваллари ногиронларни камситиш сифатида ишлатилган “ногирон” сўзи ўрнига “ногиронлиги бўлган шахс” иборасининг қўлланилиши юртимизда инсон омилига бўлган юксак эътиборнинг натижаси экани қайд этилди.

Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар ташкилчилар томонидан муборакбод этилди. Жумладан, “Hilol-nashr” матбаа-корхонаси раҳбари Исмоил Муҳаммад Содиқ давлатимиз томонидан имконияти чекланган шахслар учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар, уларни эъзозлаш каби фазилатлар динимизнинг энг мўътабар ахлоқ-одобларидан ҳисобланишини алоҳида таъкидлаб ўтди.



Тадбир иштирокчиларига ташкилотчилар томонидан, жумладан, “Hilol-nashr” нашриёт-матбаасининг китоб ва дисклардан иборат совғалари тақдим этилди.



ISLOM.UZ



ISLOM.UZ



Islom.uz портали тахририяти